

Қуръони Карим дарслари (22-дарс). Ваҳийни тушуниб етмаслик (давоми)



15:10 / 25.02.2019 7372

5. Қуръони каримни шеър, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни шоир деб қилинган даъво.

Баъзи араблар Қуръони каримнинг ҳаётийлигини кўришгач, уни шоирнинг хаёллари, адибнинг маънавий парвози, деган даъволарни ҳам қилишди.

Муҳаммад алайҳиссаломни «сеҳргар» ва «мажнун» деган тухматлар ривож топмаганидан сўнг мушриклар у зотни «шоир» деб, Қуръонни эса «шеър» деб ҳам тухмат қилиб кўришди. Бу ҳақда келаси оятларда сўз кетади.

﴿الْمُرْصِيعِينَ مِنَ مَعَكُمْ فَإِنِّي تَرِيصُوا قُلُوبَهُمْ﴾ ﴿الْمُنُونَ رَبِّهِمْ نَزَّيْنُ شَاعِرٌ يُقُولُونَ أَمْ

«Балки, «(У) шоир, унга ўлим етишини кутамиз», дерлар? Айтгин: «Кутинглар, албатта, мен ҳам сизлар билан бирга кутувчиларданман» (Тур сураси, 30-31-оятлар).

Муҳаммад алайҳиссаломни «шоир» дейиш энг кучсиз тухматдир. Ул зот умрларида ҳеч қачон шеър айтмаганлар, бинобарин, Қуръони карим шеър эмас. Қуръон, шак-шубҳасиз, илоҳий каломдир.

Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг сифати хусусида Ал-Ҳаққо сурасида марҳамат қилади:

﴿٤١﴾ تَوْمُنُونَ مَا قَلِيلًا شَاعِرٍ يَقُولُ هُوَ وَمَا

«Ва у шоирнинг сўзи эмас. Нақадар оз ишонасизлар-а!» (41-оят).

Қуръони карим шеър эмас, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам шоир эмаслар. Ушбу улкан маънони яхшилаб тушуниб олиш зарур. Аллоҳ таоло Ёсин сурасида марҳамат қилади:

﴿١١﴾ مُبِينٌ وَقُرْءَانٌ ذِكْرٌ لِآلِهٖوَإِنَّ لَهُۥ يَبْنِى وَمَا الشَّعْرَ عَلَّمْنَاهُ وَمَا

«Унга шеърни ўргатганимиз йўқ. Бу унинг учун тўғри ҳам келмас. У зикр ва очиқ-ойдин Қуръондан ўзга нарса эмас» (69-оят).

Аллоҳ таоло ушбу оятда мушрикларнинг даъволарига кескин жавоб бермоқда.

«Унга шеърни ўргатганимиз йўқ».

«Сизлар шеър билан Қуръоннинг фарқига бора олмаяпсиз».

Шеър инсоннинг ўз ички кечинмаларини вазнга солиб, байт қилиб айтишидир. Уни хоҳлаган инсон айтиши мумкин. Шеър турли бўлган-бўлмаган гапларни ҳам кўтараверади. Айниқса, арабларда бу нарса машҳур. Улар ҳақиқатни яхшилаб билиб олишлари лозимки, Қуръон Аллоҳ томонидан танлаб олинган етук банда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил қилинган ваҳийдир. У Аллоҳнинг каломидир. Уни ҳеч ким ўзидан чиқариб айта олмайди. Шунинг учун Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни шоир дейиш мумкин эмас.

«Бу унинг учун тўғри ҳам келмас».

Шоирлик пайғамбарлик мақомига ҳеч мос келмайдиган амалдир. Шунинг учун ҳам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг табиатларида шоирлик умуман йўқ эди.

Абу Зуръа Розий қилган ривоятда Шаъбий: «Абдулмутталибдан тарқаган болаларнинг ҳаммаси – эркаги ҳам, аёли ҳам шеър айтар эди, фақат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтмаганлар», деган.

6. Қуръони каримни қоҳинлик ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни қоҳин деб қилинган даъво.

Қоҳин – жинлар билан алоқаси борлигини ва ғойибдан хабар беришни даъво қилувчи шахс. Арабистон ярим оролида қоҳинлик жуда ҳам авж олган эди. Қоҳинлар «Руҳлар, худолар билан ҳам алоқамиз бор», дейишади ва баъзан табиблик даъвосини ҳам қилишади. Қоҳинлар ўзларини сирли қилиб кўрсатиш мақсадида ўзгача оҳангда сўзлашишади, ғайритабиий жумлалар тузиб гапиришади. Айниқса, ўша даврда араблар орасида улар катта обрўга эга бўлишган. Фолбинлик эвазига мўмайгина ҳақ ҳам олишган. Бу ҳақ «хулванул-қоҳин» (қоҳиннинг мўмай даромади) деб ном олган.

Душманлар Муҳаммад алайҳиссаломни ҳам ўша қоҳинларга ўхшатдилар. «Бунинг ҳам жинлар билан алоқаси бор, ваҳий дегани шу», дейишди.

Аллоҳ таоло бу ботил тухматни рад этиб, Ҳаққо сурасида шундай дейди:

﴿الْعَلَمِينَ رَبِّعَيْنَ نَزِيلٌ ﴿٤٣﴾ نَذْكُرُونَ مَا قَلِيلًا كَاهِنٍ يَقُولُ وَلَا

«Ва у фолбиннинг сўзи ҳам эмас. Нақадар оз эслайсизлар! У оламлар Роббидан нозил қилингандир» (42-43-оят).

Тарихда, жумладан, Қуръони карим нозил бўлиб турган даврда ҳам қоҳинлик жамият учун бирор манфаат тақдим қила олган эмас. Бирор қоҳин инсонларни тўғри йўлга бошлай олган, оқ-қорани танита олган эмас. Одатда қоҳинларнинг сўзлари тушунарсиз ғувир-ғувирдан иборат бўлади. Ҳар бир ҳарфи очиқ-равшан, ҳар бир ибораси айна балоғат, ҳар бир жумласи ҳидоят бўлган Қуръони каримни қандай қилиб қоҳинлик сўзлари дейиш мумкин?! Агар Қуръондек улуғвор калом қоҳинлик билан топиладиган нарса бўлганида, дунёда бундай китоблар кўпайиб кетган бўларди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдек оқил, доно, хушхулқ ва самимий кишини кўриб-билиб туриб қоҳин дейиш ҳам, бўйин товлаш

учун айтилган бўҳтондан бошқа нарса эмас.

(давоми бор)

«Қуръон илмлари» китобидан